

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АЖ «СИРДАРЁ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ
КОРХОНАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Сирдарё

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
КОРХОНАСИ



ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ
ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

№ 040071

Сирдарё тумани ифтегачий булишес
(корхона, ташкилот номи)

насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

яrim тифиз пайт – сутканинг ёруг вақтида (соат 9^{00} дан 17^{00} гача) – ўрнатилган тариф бўйича;

тифиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6^{00} дан 9^{00} гача, кечки энг катта миқдор соат 17^{00} дан 22^{00} гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг коронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22^{00} дан 24^{00} гача ва 00^{00} даң 6^{00} гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф I-тариф гуруҳидаги “Истеъмолчи”ларнинг бир ставкали тарифига мувофиқdir.

Табақалаштирилган тариф кўлланилмайдиган “Истеъмолчи”га энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган куввати 750 кВАгача бўлган “Истеъмолчи”га энергияни реализация қилиш нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи “Истеъмолчи” учун Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар ва ўсиб борувчи коэффициентли тўловлар асосида амалга оширилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. “Истеъмолчи” ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзib олади ва ушбу шартноманинг З-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисботни тузади.

“Истеъмолчи” энергия сарфи бўйича ҳисботни “Корхона”га ҳар ойнинг “” санасигача чопар орқали ёки факсимиль алоқа ёхуд электрон почта алоқаси орқали тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган куввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” бўйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тўлиқ ҳажмидан ташқари, алоҳида-алоҳида тифиз, яrim тифиз ва тунги пайлардаги ҳажмлари ҳам аникланиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганида “Истеъмолчи” етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар кучга кирган кундан бошлиб истеъмол қилинган энергия учун янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. “Истеъмолчи”га энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин, энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календарь ой тугагач қарз тўлов муддати ўтган хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади;

3.7. Энергия сарфи бўйича ҳисобот асосида “Корхона” ўрнатилган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисобварагини ёзиб беради.

“Истеъмолчи”да турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьект мавжуд бўлган тақдирда, ҳар бир тариф гурухи кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.8. Ҳисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидаги томонларнинг элекбр тармоқлари баланс мансублилиги ва фойдаланиш бўйича масъуллигини тақсимлаш бўйича далолатномага мувофиқ аниқланадиган элекбр тармогининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмагандан, элекбр тармогининг чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг ҳажми “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юқори бўлган кувватга уланган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиши сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳисоб варагини ёзиш учун мутаносиб равишда кўшиб борилади.

3.9. Ҳисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот “Истеъмолчи” томонидан тақдим этилмаган тақдирда, “Корхона” томонидан энергия истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилинади, бу ҳақда “Истеъмолчи”нинг ҳисоб варагида тегишли равища кайд қилинади.

Ҳисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибида “Бюро” томонидан ёзиб олингандан кейин “Корхона” томонидан амалда истеъмол қилинган энергия учун белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.10. “Истеъмолчи”нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергия қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

“Истеъмолчи”нинг айби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олиннади.

3.11. Шартномада келтирилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилинганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча истеъмол қилинган энергиянинг жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,5 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. “Истеъмолчи” “Корхона” билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб ^{дэвр} тамом бўлғандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаши далолатномасини тузади.

Агар «Истеъмолчи» солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиқсан холда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномасини кўйиш йўли оркали, ҳамда бир томонлама расмийлаштирилган солиштириш далолатнома асосида “Бюро” томонидан мажбурий ундирувга каратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солик хизмати органларига тақдим этишга хакли.

3.13. “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узиш қуидаги ҳолларда амалга оширилади:

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

“Бюро” талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисоблагичлар кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

ҳисоблагичлар қасдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгаририш мақсадида уларга ташкаридан аралашилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аникланганда;

шартнома, электр таъминот лойихаси ва техник шартлари мавжуд булмаганда;

электр таъминот лойиха ва техник шартларга мос келмаганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарлиқдан озод этмайди.

3.15. “Истеъмолчи”ни тармоққа қайта улаш, “Истеъмолчи” томонидан коидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари микдорида тўлов ундирилгандан сўнг амалга оширилади. (ЭҲАНТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

IV. Томонларнинг хукуқ ва мужбуриятлари

4.1. “Истеъмолчи” қуидаги хукукларга эга:

ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ “Корхона” электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларида мувофиқ бўлган энергия олиш;

энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибида ахборот олиш;

“Корхона”га истеъмол қиласиган энергия ҳажмларининг ўзгаририлиши тўғрисида белгиланган тартибида таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгаририш бўйича таклиф мўлжаланаётган ўзгариришдан олдин, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунча) берилиши лозим;

енергия тұлық ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат күрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бүлмаган энергия етказиб берилиши оқибатида етказилған заарларни белгиланған тартибда қоллатиш;

қонун хужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартноманиң бекор қилиш;

Шартнома бекор қилғанда фойдаланилмаган энергия микдори учун тұланған сүммани қайтарилишини талаб қилиш;

енергия етказиб берилиши тугатилғанда заарни қоллашни талаб қилиш;

Шартноманиң тузиш ва бажаришда юзага келаётгандык низоларни хал этиш учун судда ёки бүйсуниши бүйічә юқори ташқилотта (манасбадор шахсга) мурожаат қилиш.

“Истеъмолчи” қонун хужжатларига мувофиқ бөшқа хукуқтарға ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. “Истеъмолчи” қуйидагиларга мажбур:

енергия истеъмол қилишини белгиланған режимига риоя этиш;

фойдаланилған энергия учун ўз вақтида ҳақ тұлаш;

эксплуатация қилаётгандык электр тармоклар, асбоблар, электр қурилмаларининг техник ҳолатини лозим даражада сақланишини, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш; “Корхона”га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тұғрисида хабар қилиш;

енергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

электр таъминоти корхонаси томонидан белгиланған энергия истеъмоли чеклаш жадвалини бажариш;

эгаллаб турған биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бөшқа сабабларга кура күчіб кетген тақдирда, у бу хакда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор қилиш;

ЭНХАТ (АИИСКУЭ) тизимини баркарор, доимий ищлаб туришини таъминлаш; Энергетика тизимининг «Электр Хисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи» нинг бириктирилған телефон ракамига (богланиш нұктасига) «SMS» оркали юборилған хабарнома, огохлантириш хатларига уз вактида муносабатларини билдириш ва зарурат холда дархол туман (шахар) электр таъминоти корхонасига аниқлик киритиш максадида маълум қилиш;

энергетика тизимининг «Электр Хисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи» нинг бириктирилған телефон ракамига (богланиш нұктаси), шунингдек бөшқа барча реквизитлари узгарған холда «Истеъмолчи» дархол электр таъминоти корхонасига хабар бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамида бир ой олдин энергияның зарур микдори учун (тегишли микдори учун 100% олдиндан түлов амалга оширилған холда) электр таъминоти корхонасига буюртманома бериш;

“Бюро” ва “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ёзма күрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

белгиланған тартибда “Бюро” ва (ёки) “Корхона” нинг тегишли вакилига хисоблагичларни күришига имкон бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун “Корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб “Истеъмолчи”ларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган “Истеъмолчи”:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

енергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

енергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дакиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва “Корхона”нинг талабига кўра хабар қилиши шарт.

“Истеъмолчи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қўйидаги ҳуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмагандан ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

шартнома, электр таъминот лойихаси ва техник шартлари мавжуд булмагандан, шартнома мажбуриятлари бажарилмагандан, электр таъминот лойиха ва техник шартларга мос келмагандан “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан;

электр хўжалиги обьектларида авариявий ҳолатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечикириб бўлмайдиган чоралар кўриш зарурати бўлганда, “Истеъмолчи”ни огохлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш;

“Бюро” ёзма кўрсатмасига мувофиқ “Истеъмолчи”ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНХАТга уланган ёки олдиндан тўлов курилмасига эга ҳисоблагичи бўлган “Истеъмолчи”ларни олдиндан тўлов тугагандан сўнг ўчириш.

“Корхона” конунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.4. Корхона қўйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар орқали “Истеъмолчи”га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган хажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

курилмаларни, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

«Истеъмолчи»нинг ёзма талабномаси асосида электр хўжалиги обьектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўгрисида уч кундан кечикмасдан «Истеъмолчи»нинг хабарлашиш нукталари оркали хабар бериш;

электр энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўгрисида ва тўхташларниг сабаблари тўгрисида “Истеъмолчи”нинг талабига биноан маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўгрисида чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган холда “Истеъмолчи”нинг талабига биноан унинг хабарлашиш нукталари оркали олдиндан хабар бериш;

Электр тармоги хўжалиги обьектларидағи аварияларниг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларниг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечикириб булмайдиган чора-тадбирларни куриш зарур булганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан энергия узатишни тухтатиб куйиш ёки чеклашлар киритиш;

электр хўжалиги обьектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўгрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўгрисида ва тўхташларниг сабаблари тўгрисида “Истеъмолчи”га маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўгрисида чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

“Истеъмолчи”нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошка бузилишлар тўгрисидаги аризасини, “Истеъмолчи”дан ариза олингандан кундан ўн кундан кечикирмасдан кўриб чиқиш; уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

“Истеъмолчи”га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу хакда, рад этиш сабабларини кўрсатган холда “Истеъмолчи”га хабар килиш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган ҳисоблагичларни алмаштиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек “Бюро” билан бирга уларни пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия етказиб бериш.

“Корхона” конунчиликка мувофиқ бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур-шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки, лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, “Корхона” бунинг натижасидаги етказилган заарни қоплашга мажбур, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий заарни қоплашга мажбур.

5.2. “Корхона”:

“Истеъмолчи” энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия истеъмолининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл кўйган тақдирда, “Корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган

суткаларда паст сифатли энергия етказиб берилганилиги учун; захира манбанин автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришиларниң ишлеш вақтида энергия етказиб беришдаги танаффуслар учун "Истеъмолчи" олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. "Истеъмолчи" "Бюро" ёзма кўрсатмасига мувофиқ ўчирилганда ёки енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд бўлганда, "Корхона" "Истеъмолчи" олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси узи билан boglik булмаган вазиятлар окибатида мавжуд булган чекланишлар киритилганда, «Электр курилмалари тузилиши Коидалари»нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 – бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тугри келмаган (ложиха талабларини бажармагандан) холда истеъмолчилардан киритилган даъво ва талаблари буйича келиб чикадиган низолар олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараённида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан хал этилмаган тақдирда, судда ҳал этилади.

VI. Якуний қоидалар

6.1. Шартнома 2012 йил 31 афзод гача бўлган муддатга тузилади.

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларниң бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой колгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларниң ҳар бирида сақланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми хисобланади.

Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг карорлари, фармойишлари ва бошқа барча қонун ва конуности хужжатлари билан тартибга солинади.

6.3. Шартнома томонларниң бирини ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўтгиз кун олдин ҳабардор қилган холда, томонларниң ўзаро хисоб-китоб қилганлик шарти билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равища тақдим қилинади.

6.4. Барча ўзgartиришлар ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равища бўлган ва томонларниң ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақийқийдир. Кушимча шартлар:

VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

“Истеъмолчи”:

Юридик манзили

Почта манзили

Ҳисоб рақами

Банк коди (МФО)

(ИНН)

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялашириладиган “Истеъмолчи”лар учун:

Бюджет фондининг ҳисоб рақами

Банк коди (МФО)

(ИНН)

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисоб рақами

Банк коди (МФО)

(ИНН)

Телефонлар:

Факс:

(“Истеъмолчи” телефон рақамлари, шу жумладан унинг раҳбарини улли телефоны кўрсатилади)

Статистик кодлар:

ОКЭД

СООГУ

СОАТО

КФС

КОПФ

ОКПО



Корхона:

Почта манзили

Сур. ич Узбекистон 135

Ҳисоб рақами

226 36 000 600 134 81 74 22

Банк коди (МФО)

00857 (ИНН) 200324414

Телефонлар:

Факс:

Статистик кодлар:

СООГУ

СОАТО

- «Истеъмолчи» «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари» ва мазкур шартнома шартлари билан таништирилди ҳамда унга электр ва ёнгин ҳавфсизлиги юзасидан йўл-йўриқлар берилди.

“Истеъмолчи”:

Сирдарё гумак
адмирацияи Зоҳири
Махмуд Мамеджанов

М.У., имзо, мансаби, Ф.И.Ш.

“Корхона”:

М.У., имзо, мансаби, Ф.И.Ш.

Юрист хulosаси:

Мен, ушбу шартнома лойихасини амалдаги Узбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хужалик юритувчи субъектларнинг хукукий шартномавий базаси тугрисида»ги Конуни ва бошка конун хужжатлари асосида хукукий экспертиза килиб, ушбу шартномада курсатилган муносабатлар юкоридаги конун хужжатлари билан тартиби солиниши, хужалик шартномаси шартларнинг тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни хал этиш тартиби конун хужжатлари талабларига мувофиқлигини билдираман.

Шу сабабли ушбу шартнома лойихасини имзоласа булади деб ҳисоблайман.

«Корхона» юристи

(имзо)

М.У. -

(Ф.И.Ш.)

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурӯҳи йи
2. Фаолият тури оғиз түрмиси
3. "Истеъмолчи" электр курилмаларининг уланган куввати: 4,7 кВА (кВт)
4. Техник шарт билан рухсат этилган куввати: 4,7 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) иа
6. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалдаги) иа
7. Ҳисоб-китоб тури: табакалаштирилган

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ўсиб боруви коэффициентли (кераклиги ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурӯҳлари бўйича			
Йил, жами					
Январь	<u>2200</u>				
Февраль	<u>2100</u>				
Март	<u>2200</u>				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Имзолар:

"Истеъмолчи":

К. Исаеваджимов.

(М.ў. Имзо)



Юридик шахслар учун электр таъминоти
шартномасига 3 - илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ

20.22 йил _____ ойи бўйича


Кўрсаткичлар қайд этилган сана «___» 20 ____ йил.

Уланманинг номи, хисоблагичнинг завод номери, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисоблагич кўрсаткичлари		Хисоблагич курсаткич- ларининг фарки	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табакалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.					
	ток трансфор- маторининг (ТТ)	кучла- ниш транс- форма- торининг (КТ)	уму- мий	Бошлан- гич	охирги			Эрта- лабки макси- мум	Кун	Кечки макси- мум	Тун		
	1	2	3	4	5	6	7	8	соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22	соат 22-24	соат 0-6
Жами			-										

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13
гр 8 = гр 7*гр 4

“Истебмолчи” раҳбари

К. Мадагалиев
Ф.И.Ш.



Бош энергетик

Ф. И. Ш.



“Кокхона” вакили

Ф.И.Ш.


Энергия ҳисоблагичлари ўриятилган жойлари ва тавсифлари

“Истемолчи”нинг (еуб “Истемолчи”нин г) ҳисоблагичлари ўриятилган жойлар, тури ва кучланини сифи (кВ) кўреатилган холда	Ҳисоблагич тури (актив, реактив), (номинал токи)	Ҳисоблагич номери	Ҳисоблагич клемма қопкогидаги пломбанинг номери	Ўлчов трансформатор- ларининг трансформация коэффициенти	Хисоб-бюджет		Шартнома тузиш санасига ҳисоблагич курасаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
					Корхона- нинг	Биро- нинг		
Роф Сурхон оф СД-6 №1143	ТЕ7356-2-3	113210091976	—	380	—	—	6350	4.50

Имзолар:

“Истемолчи”:

(М.Ў. Имзо)



“Корхона”:

(М.Ў. Имзо)



**Томонлар электр тармоқлариининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

1. “Истеъмолчи”нинг балансида қўйидаги электр курилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари _____

2. “Истеъмолчи” ва “Корхона” ўргасидаги электр тармоқларниң баланс бўйича мансублик чегараси:

ОЧ ИРЗИ

аниқланади.

3. Улардан қўйидагиларга:

а) _____

хизмат кўрсатиш “Истеъмолчи” ходимлари томонидан,

б) Вафро Энерг Жиҳозлаш _____

“Истеъмолчи”

билин тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси томонидан хизмат кўрсатилади.

4. Электр курилмаларниң ҳолати ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қўйидагича белгиланди: ОЧ ИРЗИ

“Истеъмолчи”
М.У.

Важиллар:
Марғон
(имзо)

К. Маджадалиев
(Ф.И.Ш.)

“Корхона”
М.У.

М
(имзо)

(Ф.И.Ш.)



Энергия йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисоблагичлар электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг мансублик чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги ҳисоблаш йўли билан аниқланган энергиянинг технологик (сарфи) йўқолишлари бу:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ фоизини, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____ фоизини ташкил этади;

б) »Истёмолчи»нинг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ фоизни ташкил этади;

в) »Истёмолчи»нинг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ фоизни ташкил этади.

Жами ҳар ойлик энергия йўқолишлари ҳажми ҳисоб-китоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Корхона бир кунда 8 соат, бир ойда 22 кун ишлайди.

Сменалар бўйича юклама тақсимоти (фоиз ҳисобида) I , II , III .

Имзолар:

“Истёмолчи”:

(М.У. Имзо)

“Корхона”:

(М.У. Имзо)

Реактив энергиянинг иқтисодий қиймати ҳар бир ҳисобот даври учун, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оғтимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиккан ҳолда аниқланади ва шартномада белгиланган тартибда ундирилади.

Реактив энергиянинг шартномавий миқдори реактив энергиянинг иқтисодий қийматидан келиб чиккан ҳолда аниқланади.

Устама қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда реактив энергия истеъмоли:

иқтисодий қиймат доирасида бўлганида актив энергия учун амалдаги тарифининг 5% миқдорида;

иқтисодий қийматдан ортиқ бўлганида актив энергия учун амалдаги тарифининг 10% миқдорида белгиланади.

Реактив энергия компенсацияси учун устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати истеъмолчилар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун истеъмолчилардан кўшимча маблағлар ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати истеъмолчилар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун истеъмолчилардан кўшимча маблағлар ундирилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифининг 15% миқдорида белгиланади.

Имзолар:



Б. Бошқа ток қабул қилувчилар

Электр двигателлар		Электр пайвандлаш аппаратлари		Приборлар		Ишлаб-чиқариши ёритиш		Изоҳ
Сони (дона)	Куввати (кВт)	Сони (дона)	Куввати (кВт)	Сони (дона)	Куввати (кВт)	кВт	шу жумладан люменисцентил (кВт)	
—	—	—	—	3	3,6			
						33	5,5	
				1	0,6			

В. Ўзга субабонент-истеъмолчилар

Истеъмолчи- ларнинг номланиши, манзилгоҳи	Ўрнатилган куввати кВт, кВА	Электр хисоблагичнинг завод рақами	Диспетчерлик номланиши	Тариф. сум/кВт.с учун	Изоҳ

“Истеъмолчи”:

(М.У. Имзо)



“Корхона”:

(М.У. Имзо)

Юридик шахслар учун электр таъминоти
ШАРТНОМАСИ

20²² йил "F" 24-кинди

0400 71-сон

Сирдарё ш.
(шартнома тузилган манзил)

"Сирдарё ХЭТК" АЖнинг

Сирдарё "Фоти"

(кейинги ўринларда "Корхона" деб юритилади) нинг нефис
асосида фаолият юритувчи раҳбари А. Қолимов бир тарафдан ва

Сирдарё буддеси Истеъмолчий бўлуди

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг
асосида фаолият юритувчи раҳбари К. Масеъсев. иккинчи тарафдан
тизимдаги шахсий ҳисоб варакаси -
мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. Шартнома предмети

1.1 Ушбу шартнома билан "Корхона" тармоқлари орқали электр энергиясини
(кейинги ўринларда - энергия деб аталади) "Истеъмолчи"га етказиб бериш, "Истеъмолчи"
эса истеъмол қилинган энергия ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив _____ кВт.с., реактив _____ кVar.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи
базавий тариф бўйича _____ сўмни ташкил этади.

2.3. "Истеъмолчи"га энергия ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ етказиб
берилади.

2.4. "Истеъмолчи" томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган хакиқий қабул қилиб
олинган энергиянинг ҳажми хисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда
- хисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг 2-иловасида
назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Ўзбекситон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги
277-сонли қарорининг 1-иловаси "табиий монополиялар субъектлари томонидан
мажбурий хизмат кўрсатиши керак бўлган Истеъмолчилар" учун етказиб берилган
Энергиясининг йиллик минимал ҳажми _____ кВт.с.ни ташкил қиласи.

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки ўсиб
борувчи коэффициентли тарифлар асосида амалга оширилади (нарх шакллантиришнинг
алоҳида тартиби).

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва undan юқори бўлган "Истеъмолчи" (бюджет
ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг